

МАДАНИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯ: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛ

Улуғбек Турсунович САФАРОВ

фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

мустақил изланувчи

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги

Тошкент ахборот технологиялари университети

Тошкент, Ўзбекистон

ulabek407@gmail.com

Аннотация

Мақолада маданий трансформация тушунчаси замонавий ижтимоий-гуманитар фанлар нуқтаи назаридан комплекс таҳлил қилинган. Маданий трансформациянинг фалсафий, социологик ва антропологик ёндашувлари очиқ берилган, унинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳамда маданий идентификация билан ўзаро боғлиқлиги илмий асосда ёритилган. Шунингдек, маданий трансформацияни шакллантирувчи асосий омиллар тизимли равишда ўрганилган.

Таянч сўзлар: маданий трансформация, маданият, глобализация, идентификация, модернизация, ижтимоий ўзгариш.

КУЛЬТУРНАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ: ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

Улуғбек Турсунович САФАРОВ

доктор философии (PhD) по философским наукам

независимый исследователь

Ташкентский университет информационных технологий

имени Мухаммада аль-Хорезми

Ташкент, Узбекистан

ulabek407@gmail.com

Аннотация

В статье с позиций современных социально-гуманитарных наук проведён комплексный анализ понятия культурной трансформации. Раскрыты философские, социологические и антропологические подходы к исследованию культурной трансформации, а также научно обоснована её роль в общественном развитии и взаимосвязь с процессами культурной идентификации. Кроме того, системно проанализированы основные факторы, формирующие процессы культурной трансформации.

Ключевые слова: культурная трансформация, культура, глобализация, идентификация, модернизация, социальные изменения.

XXI асрда глобаллашув, рақамли технологиялар ва ижтимоий модернизация жараёнлари жамият маданий ҳаётига чуқур таъсир кўрсатмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши, трансмиллий маданий алоқаларнинг кучайиши ҳамда ижтимоий онгдаги трансформациялар маданиятнинг мазмуни ва шаклига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда маданият нафақат анъаналар ва урф-одатлар мажмуаси, балки жамиятнинг маънавий барқарорлигини таъминловчи стратегик омил сифатида намоён бўлмоқда. Бу борада Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 4 июлда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқида бу борадаги фикрларини келтиришни жоиз деб топдик: “жадаллаштирилган рақамли трансформация. Бизнинг фикримизча, рақамли иқтисодиётга ўтиш, “сунъий интеллект”ни, илғор IT қарорларни жорий этиш мамлакатларимиз рақобатбардошлигида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу борада билимлар, тажриба ва энг яхши амалиётлар алмашуви, IT паркларнинг тизимли ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида “ШХТ келажак технологиялари” дастурини ишлаб чиқиш тарафдоримиз” [1]. Яъни, жамиятимизнинг барча жабҳаларига ахборот технологиялари кириб келмоқда. Хусусан, бу борадаги илк қарашларни, ахборот жамияти феномени Д. Белл [6], М. Кастеллс [7], Э. Гидденс [8] каби мутафаккирлар асарларида назарий жиҳатдан асосланган. Уларга кўра, постиндустриал жамиятда билим ва ахборот асосий ишлаб чиқариш ресурсига айланади. Шу билан бирга, маданий жараёнлар ҳам ахборот технологиялари таъсирида янги босқичга кўтарилади.

Айни шу жараёнлар илмий адабиётларда “маданий трансформация” тушунчаси орқали ифодаланади. Мазкур тушунча жамият маданий тизимида содир бўлаётган чуқур, тизимли ва сифат жиҳатдан янги ўзгаришларни англатади. Маданий трансформацияни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали жамият тараққиёти қонуниятларини, миллий маданиятнинг барқарор

ривожланиш механизмларини ҳамда маънавий хавфсизлик масалаларини англаш мумкин.

Мақоланинг мақсади – маданий трансформация тушунчасини назарий-методологик жиҳатдан кенг ёритиш, унинг асосий омиллари, даражалари ва ижтимоий аҳамиятини илмий таҳлил қилишдан иборат.

Маданий трансформация тушунчасининг мазмун-моҳияти. Маданий трансформация – жамият маданиятидаги қадриятлар, меъёрлар, рамзлар, тафаккур шакллари ва ижтимоий амалиётларнинг тарихий, ижтимоий ва технологик омиллар таъсирида сифат жиҳатдан ўзгариши жараёнидир [3; 6]. У маданий ўзгаришнинг чуқур ва тизимли шакли бўлиб, маданиятнинг ички мазмунини қайта шакллантиради.

Маданий трансформация “маданий ўзгариш”, “маданий эволюция”, “маданий модернизация” каби тушунчалар билан узвий боғлиқ. Бироқ, маданий трансформация ушбу тушунчалардан фарқли равишда, жамият маънавий ҳаётида янги қадриятлар тизимининг шаклланишини англатади. Шу маънода у жамият маданий тараққиётининг сифат босқичи ҳисобланади.

Маданий трансформациянинг назарий-методологик асосларига мурожаат қиладиган бўлсак, хусусан, фалсафий ёндашув нуқтаи назаридан маданий трансформация инсон тафаккури ва дунёқарашининг тарихий ривожи билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Гегель таълимотига кўра, маданият мутлақ руҳнинг ўз-ўзини англаш жараёнидир [3]. Шу нуқтаи назардан, маданий трансформация руҳий тараққиётнинг янги босқичи сифатида намоён бўлади.

О. Шпенглер ва А. Тойнби маданиятларни цивилизацион цикллар асосида таҳлил қилиб, трансформацияни маданиятнинг юксалиш ёки инқироз босқичига ўтиши билан боғлайдилар [5;7]. Бу ёндашув маданий трансформацияни тарихий зарурият сифатида англаш имконини беради.

Социологик ёндашувга келадиган бўлсак, социологик таҳлилда маданий трансформация ижтимоий тузилмалар, институтлар ва ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўзгаришлар билан изоҳланади. М. Вебер маданий қадриятларнинг иқтисодий ва сиёсий жараёнларга таъсирини илмий асослаб берган. Унинг фикрича, жамият тараққиёти маданий омилларсиз тўлиқ англаб етилмайди [2].

П. Бурдьё маданий капитал ва хабитус назарияси орқали маданий трансформациянинг ижтимоий механизмларини очиб берган [9]. Ушбу ёндашув маданиятнинг ижтимоий қайта ишлаб чиқарилиш жараёнини тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Антропологик ва цивилизацион ёндашувда маданий трансформация маданиятлар ўзаро таъсири, аккультурация ва глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. К. Гирц маданиятни рамзлар тизими сифатида талқин қилиб, трансформацияни рамзлар маъносининг ўзгариши билан боғлайди [10].

Цивилизацион ёндашув маданий трансформацияни умуминсоний тараққиёт контекстида кўриб чиқиб, уни глобал жараёнлар билан боғлайди.

Маданий трансформацияни шакллантирувчи асосий омиллар. Маданий трансформация қуйидаги омиллар таъсирида юзага келади:

- ижтимоий-сиёсий ислохотлар ва давлат маданий сиёсати;
- иқтисодий модернизация ва бозор муносабатларининг ривожини;
- илм-фан ва инновацион технологиялар тараққиёти;
- глобализация ва рақамли ахборот макони;
- таълим тизимидаги ислохотлар;
- миграция ва маданий алмашинув жараёнлари. Ушбу омиллар жамият маданиятининг янги шакл ва мазмун касб этишига замин яратади.

Маданий трансформация турли даражаларда намоён бўлади:

- индивидуал даража (шахсий қадриятлар ва дунёқараш);

- ижтимоий гуруҳ даражаси (авлодлар ва субмаданиятлар);
- миллий даража (миллий маданий сиёсат);
- глобал даража (умуминсоний маданий жараёнлар). Бу даражалар ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдириб туради.

Маданий трансформация жараёни маданий идентификация билан узвий боғлиқ. Бир томондан, у миллий ўзликни қайта англаш ва янгилашга хизмат қилса, иккинчи томондан, мувозанатсиз кечган ҳолларда идентификация инқирозига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли маданий трансформацияни бошқариш ва тартибга солиш масаласи муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўтиш даврини бошдан кечираётган жамиятларда маданий трансформация жараёнлари ўзига хос янада мураккаб тус олади. Анъанавий қадриятларни янги юзага келаётган амонавий қадриятлар ўртасидаги қарама-қаршилик маданий синтез ёки маданий низоларга олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, маданий трансформацияни миллий манфаатлар асосида илмий жиҳатдан бошқариш муҳим ҳисобланади.

Олиб борилган илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, маданий трансформация жамият тараққиётининг табиий ва муҳим зарурий жараёни ҳисобланади. У маданиятнинг, хусусан маданий жараёнларни сифат жиҳатдан янгиланишини таъминлайди, жамиятнинг маънавий салоҳиятини ошишига хизмат қилади. Маданий трансформация – жамият маданиятининг тарихий, ижтимоий ва технологик омиллар таъсирида қадриятлар ва ижтимоий-маънавий тизимининг қайта шаклланиш жараёнидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/7372>

2. Вебер М. Протестантская этика и дух капитализма. — Москва: Республика, 1990.
3. Гегель Г. Ф. Философия духа. — Москва: Мысль, 1977.
4. Тойнби А. Постижение истории. — Москва: Прогресс, 1991.
5. Шпенглер О. Закат Европы. — Москва: Мысль, 1993.
6. Bell D. The Coming of Post-Industrial Society. – New York, 1973.
7. Castells M. The Information Age: Economy, Society and Culture. – Oxford, 1996.
8. Giddens A. Consequences of Modernity. – Cambridge, 1991.
9. Bourdieu P. Distinction: A Social Critique of the Judgement of Taste. — London: Routledge, 1984.
10. Geertz C. The Interpretation of Cultures. — New York: Basic Books, 1973.